Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

# Тошкент оқшоми

2012 йил 23 январь, душанба

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (12.076)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш, банкларнинг молиявий кўмагини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш тадбиркорларимизнинг муваффақиятларига гаров бўлиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти равнақидаги улуши ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Хусусий бизнес

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Буюртмачилари сафи йилдан йилга ортиб бораётган, ички бозорда муносиб ўрин топиб, четдан ҳам харидорларини жалб этиш саъй-ҳаракатида изланаётган «NURAFSHON NUR» хусусий корхонасида тайёрланаётган махсус иш кийимлари ва пойабзаллар замон талабига тўла жавоб беради. Бугунги кунда 30 нафардан зиёд малакали мутахассис жамланган жамоада замонавий дастгоҳ ва ускуналар қуввати, дизайнчи ҳамда чеварлар маҳорати билан ойига 5 минг донадан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Қулай ва бежирим, турли соҳа ходимларига мосланган халат, костюм, куртка, қўлқоп ва бошқа кўплаб турдаги кийим-кечаклар илғор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилмоқдаки, улар сифати билан ажралиб туради. Энг асосийси эса буюртмачилар сафида кичик корхоналардан тортиб йирик ташкилотлар, компания ва фирмаларнинг борлигидир.

— Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотларимиз турларининг кўпайиб боришида, албатта мустақил юртимизда кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларга берилаётган катта имкониятлар муҳим омил саналади, — дейди корхона директори Муҳаббат Тошмуҳамедова. — Ҳар бир маҳсулот турини яратар эканмиз, буюртмачи талаб ҳамда эҳтиёжини чуқур ўрганишга эътибор қаратамиз. Бунинг натижасида эса мижозлар талаби қондирилиб, буюртмаларимиз кўпаймоқда. Ўтган — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятлар ривожланишимизда муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини 2010 йилга нисбатан 50 фоизга оширишга муваффақ бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йил тадбиркор жамоа ва уни бошқараётган ишбилармон аёл Муҳаббат Тошмуҳамедова учун ютуқларга бой бўлди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йил аёли — 2011» республика танловининг Тошкент шаҳар босқичида у ғолибликни қўлга киритиб, олқишларга сазовор бўлди.

Жорий йилни ана шундай муваффақияту рағбатлар билан кутиб олган тадбиркорлар ўз фаолиятларини кенгайтиришни, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турларини кўпайтиришни мақсад қилишган. Бу борада улар банкдан олинган молиявий кўмакдан самарали фойдаланишни кўзда тутишган. Кредит эвазига корхона қошида энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган янги цех ташкил этилиб, ишчилар сафини ёшлар ҳисобига 100 нафарга етказиш режалаштирилган. Ички бозорда харидорини топадиган халқ истеъмол молларини маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланган ҳолда тайёрлашга эришилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада ёшларни иш билан таъминлашга, уларга касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашларида ёрдам беришга эътибор қаратилган. Маҳоратли чеварлар касб-ҳунар коллежларини битириб келган ёшларга «Устоз-шогирд» лойиҳаси асосида тажрибаларини ўргатишмоқда. Уларни ўз сафларига қабул қилишмоқда. Бу борада моҳир дизайнчи Илмира Султонова, бичиқчи-чевар Маҳмуда Абдухолиқоваларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда буюртмалар портфелини тўлдиришга интилаётган тадбиркорлар янги ва сифатли маҳсулот турларини харидорга тортиқ этиш йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**



**СУРАТДА: чеварлар сифатга алоҳида эътибор қаратишади.**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***«Ўзбектуризм» Миллий компанияси томонидан мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси, «Horizons Nomades» ва «C.A.T.I.A. - Central Asia Tours Incoming Agency» сайёҳлик компаниялари кўмагида ташкил этилган «Мега-инфо-тур» дастури доирасида бир гуруҳ франциялик журналистлар яқинда юртимиз бўйлаб ижодий сафарда бўлдилар.***

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТ

Улар Францияга қайтганларидан сўнг мамлакатда чоп этиладиган нашрларда Ўзбекистон Республикасида сайёҳликнинг тараққиёти, мамлакатимиздаги тарихий меъморий обидалар, ўзбек халқининг анъаналари ҳамда замонавий ҳаёти мавзуларига бағишланган қатор мақолаларини эълон қилдилар.

Жумладан, «Dernieres Nouvelles Alsace» газетаси мухбири Клод Кейфлин қаламига мансуб «Ўзбекистон. Ипак ва пахта» сарлавҳали мақолада муаллиф Ўзбекистонга отланаётган сайёҳни Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий шаҳарлар бўйлаб мароқли саёҳат кутаётгани ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини газетхонлар билан атрофлича ўртоқлашади. У ноёб тарихий ёдгорликлар ҳамда ўзбек халқининг ўзига хос ва бой маданияти билан танишув кишини беҳад ҳайратга солишини алоҳида таъкидлайди.

*(Давоми 2-бетда)*

Қарор ва ижро

***Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Бу, аввало, юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.***

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Президентимизнинг 2011 йил 17 июнда қабул қилинган «Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида адлия органларининг ролини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалаларига бағишлаб ташкил этилган семинарда шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон адлия вазири Н.Йўлдошев бошқарган тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида адлия идоралари фаолияти изчил ривожланаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг мазкур қарорига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришнинг янги механизми шакллантирилди – Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва жойларда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Бу янги тузилманинг фаолияти адлия органлари ролини янада ошириш билан бирга, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, барча давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликнинг сўзсиз таъминланишига хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Адлия вазирлигининг мазкур бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2011 йилнинг июль-декабрь ойлари давомида марказий ҳамда маҳаллий даражадаги 241 давлат органи фаолиятини қамраб олган ҳолда 85 текшириш ва 14 маротаба мониторинг ўтказилгани қайд этилди. Ўрганишлар натижасига кўра, 115 таъсир чораси қўлланилган. Уларнинг аксариятини қонун бузилишлари, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳақидаги тақдимномалар, айримларини эса айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ёки жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги таклифлар ташкил этган. Тақдимнома ва таклифлар тегишли органларнинг ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниб, 332 мансабдор шахс интизомий, 10 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган семинарда қонун бузилишларини бартараф этиш ҳамда уларни келтириб чиқараётган сабабларнинг олдини олиш чоралари атрофлича муҳокама қилинди. Қонун устуворлигини таъминлаш борасида келгусида амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида илмфан ва ишлаб чиқариш муштараклиги масалаларига бағишланган «Инновация ва ёшлар» деб номланган анжуман ўтказилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманида «Осиё» номли янги замонавий технологиялар билан жиҳозланган кинотеатр ўз фаолиятини бошлади.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Олмазор туман бўлими Кенгаши томонидан 326-мактабда тумандаги барча мактаблар етакчилари учун ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Туркистон» саройида Республика Байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.**

**Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.**

**● Андижонда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш уларнинг фуқаролик институтлари тизимидаги ролини мустаҳкамлаш омилидир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Ижод» фонди, божхона, солиқ тизими вакиллари ҳамда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари иштирок этди.**

**● Термиз шаҳрида «Inter Silk Pro» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Замонавий технология билан жиҳозланган мазкур қўшма корхона йилига 660 тоннадан ортиқ пилла хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада қарийб етмиш киши меҳнат қилмоқда. Қўшма корхонанинг ишга туширилиши Сурхондарё вилоятида етиштирилаётган пилла хомашёсини маҳаллий шароитда тўлиқ қайта ишлаш учун кенг имконият яратди.**

**● Денов туманидаги «Кўчакли» маҳалласида барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пункти фаолият бошлади. Янги тиббиёт муассасасини қуриб, фойдаланишга топшириш учун 243 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда 30 дан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатаётир.**

### ЖАҲОНДА

**● Финляндияда бўлиб ўтган президент сайловларининг биринчи турида бошқарувчи партия етакчиси С. Ниинистие 37 фоиз овоз тўплаган ҳолда ғолиб чиқди.**

**● Хорватияда ушбу мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши бўйича овоз бериш жараёни ўтказилди. Эндиликда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб Хорватия Европа Иттифоқининг йигирма саккизинчи аъзоси бўлади.**

**● Кеча Кениянинг Рудольф ороли атрофида 5,2 балли зилзила содир бўлди.**

**● Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ери маъмурияти Нидерландиянинг Зеланд музофотидаги Борселле шаҳрида барпо этиш режаланаётган атом электр станцияси қурилишига расмий норозилик билдирмоқда. Зеро, федерал ер маъмурияти вакилларининг айтишича, агарда мазкур АЭСда вақти келиб радиация сизиб чиқиши юз берса, радиоактив булутлар Шимолий Рейн-Вестфалия ери маркази бўлмиш Дюссельдорфга узоғи билан олти соатда етиб келади. Улар шундан хавфсирашмоқда.**

**● Кеча Австриянинг Инсбрук шаҳрида I қишки ўсмирлар олимпия ўйинлари ниҳоясига етди. Унда энг кўп олтин медалларни Германия ҳамда Хитой давлатлари ўсмирлари қўлга киритди.**

**● Кеча Приморьеда Ҳиндистонга «Нерпа» атом сув ости кемасини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**● Гватемаладаги тунги клубларнинг бирида рўй берган отишма чоғида саккиз киши ҳалок бўлди, йигирмага яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖОЗИБАДОР МАМЛАКАТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мақолада «Самарқанд сўзини эшитган киши шу заҳоти орзулар уммонига ғарқ бўлади ва унинг қалбида бу афсонавий шаҳарни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи туғилиши» қайд этилади. Муаллифнинг ёзишича, замондош романнавис Амин Маалуфнинг «Самарқанд»номли асарини ўқиган францияликлар ўртасида бу афсонавий шаҳарни бориб кўришни истайдиган кишилар жуда кўпдир.

«Ҳар бир франциялик «Буюк Ипак йўли»ҳақида эшитганда, унинг кўзи ўнгида энг аввало Биби Хоним масжиди, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуи ва бошқа маҳобатли тарихий ёдгорликлари билан маълум ва машҳур бўлган кўҳна Самарқанд шаҳри гавдаланади», деб ёзади «Dernieres Nouvelles Alsace» мухбири.

Клод Кейфлин Бухоро шаҳри зиёрати ҳақидаги таассуротлари ҳақида тўхталар экан, «Ўзбекистонга сафаримиз чоғида Ислом дунёсининг энг машҳур шаҳарларидан бири саналадиган қадим Бухорога бормасдан ортга қайта олмас эдик», деб ёзади. «Бетакрор шаҳар муҳити, фусункор ўрта аср кўчалари бўйлаб сайр, масжид ва мадрасалар кишида ўчмас таассуротлар қолдиради».

Шунингдек, муаллиф ўз мақоласида очиқ кўнгил ва самимият уфуриб турадиган халқ билан танишув учун ҳам Ўзбекистонга бормоқ кераклигини алоҳида қайд этади. «Айниқса ёшлар бу мамлакатни ўз кўзлари билан кўрсалар фойдадан холи бўлмас эди: болалар рўпара келган ҳар бир ёши катта кишига салом беради, жўшқин қизиқувчанлик ва ҳаётга интилиш туйғулари уларнинг чеҳраларида уфуриб турганини пайқаш асло қийин эмас, улар шод, очиққўнгил ва хайриҳоҳ».

Мақола сўнггида Клод Кейфлин сайёҳларнинг Ўзбекистон бўйлаб ушбу сафарини уюштирган «Horizons Nomades» сайёҳлик компанияси ҳамда Ўзбекистон ва Франция ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновини амалга ошираётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси тўғрисидаги атрофлича маълумотларни «Dernieres Nouvelles Alsace» газетаси ўқувчилари эътиборига ҳавола этган. Шунингдек, «Horizons Nomades» компанияси томонидан жорий йилнинг апрелида франциялик сайёҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб навбатдаги саёҳати уюштирилиши ҳам газетхонларга маълум қилинади.

**«Жаҳон» АА**
**Париж**



## Ислоҳотлар оқимида

# ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ ЯРАТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Ривожланиб бораётган техника асрида барча соҳалар қатори архив ишида ҳам замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кенг кўламга кирмоқда. Хусусан, архивлар ва кутубхоналардаги мавжуд қоғоз ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилиб, уларнинг электрон каталоглари тузилмоқда. Бу эса архивларнинг кенг миқёсда жаҳонга танилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.***

Шу ўринда библиографик ресурслар ва электрон каталогларнинг тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.Тарихдан маълумки, илм-фанга алоқаси бор ҳар қандай соҳага тегишли манбаларнинг қисқа таснифлари тузилган.Бу таснифлар дастлаб мундарижа шаклида бўлса, йиллар давомида такомиллашиб, мукаммаллашиб борган.Шарқ мамлакатларида бу таснифлар «феҳристлар» деб аталган. Бу ибора ҳозирда каталог шаклида қўлланилиб келинмоқда.«Каталог»сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, рўйхат деган маънони англатади. Каталог китоблар, қўлёзмалар, ҳужжатлар, музей экспонатлари, моддий манбалар ва бошқаларнинг маълум тартибда тузилган рўйхатидир. Архив каталоги бир ёки бир нечта фондга тегишли материаллар, ҳужжатлар таркиби ва мазмунини қисқача очиб берувчи библиографик ёзувлардан иборат. Тарихдан бизга маълумки, электронлаштириш ва библиографик ресурслар биринчи бўлиб кутубхоналарда ташкил этилган. Кейинчалик бу фаолият архивларда ҳам татбиқ қилинди. Глобал тармоқларнинг библиографик ресурслари жуда кенг ва турли - тумандир. Унинг таркибига шахсий саҳифалардаги кўплаб адабиётларнинг рўйхатлари, кутубхоналар сайтларидаги янги адабиётлар тўғрисидаги рўйхатлар ёки мавзулар ва ҳарф кўрсаткичлари, турли электрон нашрлар манбаларининг рўйхати ва шунга ўхшаш жуда кўплаб материаллар кирган.

Кутубхона ва архивларнинг электрон каталоги интернет библиографик салоҳиятининг асосий қисмини ташкил қилади. Бу ҳозирги пайтда кутубхона ва архивларнинг глобал тармоқлар ичида тақдим қилаётган энг қимматбаҳо ахборот маҳсулоти ҳисобланади. Чет эллардаги йирик кутубхоналарнинг электрон каталогларига On-line ли кириш «veb» асридан аввал очилган. Масалан 1980-1990 йилларда Телнет протоколидан фойдаланиш ҳисобига бундай имконият яратилган. Телнет протоколи ёрдамида АҚШ конгресси кутубхонаси, Гарвард университети кутубхонаси, Франция миллий кутубхонаси ва бошқа бир қатор кутубхоналарнинг электрон каталогларига кириш имконияти яратилган эди.

1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кутубхоналарни автоматлаштиришга мўлжалланган барча илғор дастурий маҳсулотлар электрон каталогга кутубхонанинг веб-сайти орқали кириш имкониятини берувчи модуллар билан таъминланди. Бугунги кунда каталогларнинг «истеъмол сифати» га қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида электрон каталог яратиш Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фундаментал кутубхонасидан бошланган бўлиб, бунда кутубхоналардаги китоблар номлари, муаллифлари, ёзилган йили ва варақлар сони библиографик маълумотлар базасига киритилган эди. Ҳозирги кунда 3 та Марказий давлат архивлари ва кутубхоналарнинг ўзи ҳам ҳужжатлар ва китобларнинг иккинчи нусхасини тайёрлаб, электрон архив ва электрон кутубхона шаклига келтирмоқдалар. Жумладан, бизнинг Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивида ҳам бу ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳозирда архивимизнинг 25.000 га яқин ҳужжатлари рақамлаштирилди 20.000 га яқинининг эса иккинчи нусхаси олинди.

Электронлаштиришда энг аввало ҳужжатнинг қимматига эътибор берилади. Электронлаштиришни дастлаб ўта қимматли ҳужжатлардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ҳужжатнинг қиммати аниқланганидан сўнг электронлаштиришнинг дастлабки босқичи — рақамлаштириш амалга оширилади. Бунда қайси фонд электронлаштирилаётган бўлса, бу фонд ва фонд таркибидаги йиғмажилдлар ҳақида қисқача маълумот киритилади.Яъни фонд рақами, фонднинг муассасаси, фонд ичидаги йиғмажилдлар ва ниҳоят йиғмажилд ичидаги маълумотлар биринкетин киритилади. Шу тариқа электрон архивнинг дастлабки кўриниши ҳосил бўлади.

Ҳозирда архивдаги яратилаётган электрон каталоглар бир вақтнинг ўзида нафақат ҳужжат ҳақида қисқача маълумот, балки ҳужжатнинг ўзини кўриш имконини ҳам беради. Бунинг учун эса электрон архив яратишнинг яна бир муҳим омили — ҳужжатнинг электрон нусхасини сканер ёрдамида олиш қўлланилади.. Бу эса Корея Республикасининг «KOICA» гранти доирасида республикамиз Марказий давлат архивларига олиб келинган замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу эса электрон ҳужжатдан интернет ёки локал тармоқ орқали масофадан туриб ҳам фойдаланиш имконини беради. Бу ишлар келажакда архивларимиз ривожланган мамлакатлар архивлари қаторида бўлишида катта замин ҳозирлайди.

**Т. МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви «Давлат ҳисоби ва илмий ахборот аппарати бўлими»**
**1-тоифали архивчиси**

***Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд табиий бойликларни асрабавайлаш, келажак авлодларга қолдириш, энергия тежовчи қурилмаларни такомиллаштириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда.***

## Тадбирлар

# САНОАТИМИЗ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Бу борада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш энг аввало энергияга бўлган талабни қондириб, табиий энергия манбалари кўмир, нефть, газни тежашга олиб келади. Шу билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, ишчилар сонининг ортишига ва кишиларнинг социал-иқтисодий ҳаётининг ўсишига ёрдам беради. Бу эса республикамизда ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт соҳалари ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида ҳам бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Институтда барпо этилган Катта Қуёш Сандони дунёда мавжуд энг йирик қуёш печи ҳисобланади ва у автоматлаштирилган бошқариш тизимига эга мураккаб оптик комплекс бўлиб, гелиостат майдони, параболоид формасидаги концентратор ва технологик минорадан иборатдир. Концентратор фокус масофаси 18 м бўлган параболоид бўлиб, фацеталарнинг сони 10700 та ва гелиостат майдонидан келаётган қуёш нурларини фокус зонасига 10000 баробар ошириб беради.

Катта Қуёш Сандонининг фокус зонаси технологик минорада жойлашган ва унда 1 миллион Вт энергия 1,0 метр диаметрда тўпланади ва 800 Вт/м2 тўғри қуёш радиациясида фокусда 700 Вт/см2 зичликдаги энергия олиниши мумкин.

Концентратор фокал зонасидаги энергия зичлигини ўлчаш махсус калориметр, радиометр, фотометр ва фотография усуллари билан олиб борилади. Технологик минорада махсус қурилма ва асбоблар ёрдамида юқори ҳароратларда кечадиган физик-кимёвий жараёнлар амалга оширилади.

Катта Қуёш Сандонининг фокус зонасида ўта қийин эрийдиган материалларни эритиш, синтез қилиш, ноёб материаллар олиш соҳаларида илмий изланишлар олиб борилади.

Катта Қуёш Сандонида синтез қилинаётган материалларда янги, техникада муҳим роль ўйнайдиган хоссаларнинг мавжуд бўлиши ва шу хоссаларга эга бўлган 100 дан зиёд материалларнинг яратилиши Республика саноати учун зарур бўлган илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берди. Шу билан бирга, қуёш энергиясини бошқа тур энергияга ўзгартириш бўйича, яъни, лазер нури, водород, электр ва иссиқлик энергияси олиш каби бир қанча йўналишларда ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, мужассамлашган қуёш нури ёрдамида бир вақтда электр, иссиқлик энергияси ва водород ишлаб чиқарувчи технология ишлаб чиқилди ва олинган илмий натижалар асосида ҳозирда 5 кВт қувватли автоном қуёш қурилмаси яратилмоқда. Ушбу қурилманинг афзаллиги қуёш нури ёрдамида электр, иссиқлик энергияси ва водород ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Бунда водород энергияси булутли кунларда электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади ва йил давомида ушбу қуёш қурилмаси хонадонлар, фермер хўжаликлари ва кичик ташкилотларни электр ва иссиқлик билан таъминлаш имкониятига эга.

Яқинда институтда фаол ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, ёшларнинг уларга издош бўлишлари йўлида шарт-шароитлар яратиш мақсадида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган институт директори А.Абдураҳмонов, Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш.Жўраевлар Юртбошимиз бошчилигида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаати, ижтимоий муҳофазаси ётгани, мустақил юртимиз эришаётган улкан ютуқларга хизмат қилишини таъкидлаб, малакали ва етук мутахассислар бу борада ёшларга ибрат бўлиши, қадимдан амал қилиб келган «устоз-шогирд» анъанасини давом эттириш кераклиги ҳақидаги фикрмулоҳазаларни билдириб ўтдилар. Шундан сўнг ўн нафардан ортиқ фаол ходимларга касаба уюшмалари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган нақл бежизга айтилмаган. Озгина эътибор ва меҳнатнинг рағбатлантирилиши ишчиларга кўтаринкилик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик руҳини бахш этади. Кечага ташриф буюрган санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари барчани даврага чорлаб тадбирнинг узоқ вақт ёдда қолишига хизмат қилди.

**Жобир АҲАДОВ,**
**«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Материалшунослик» институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг маданият саройида «Мустаҳкам оила — жамият пойдевори» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёш келин-куёвларни оилага тайёрлаш, оила манфаатларини ҳимоялаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Бу борадаги Давлат дастури эса мазкур йўналишдаги вазифалар изчиллиги ва кўламини кенгайтириш ва ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муҳим жиҳатларни инобатга олиб Адлия вазирлигида Давлат дастурига киритиш учун таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, никоҳ жараёнида никоҳга кирувчи ёшларнинг 18 ёш қилиб белгилаш юзасидан «Оила» кодексига тегишли ўзгартишлар киритиш, шунингдек, фарзандликка олинаётганда бола қандай оилага тушади, унинг тарбияси, соғлиғи, келажагини инобатга олиб, ушбу масалани ҳал қилишни судлар ваколатига ўтказиш юзасидан таклифлар берилган.

Университет талабалари билан бўлиб ўтган давра суҳбати давомида мутахассислар жорий йилда ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бериш кўзда тутилаётганлигини эътироф этишди. Шунингдек, жорий йилда аҳолининг реал даромадларини ошириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш масалалари ва бу борада ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда 2011 йилнинг декабрь ойи ҳамда 2012 йилнинг январь ойларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан ҳам маълумотлар берилди. Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган «Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман» номли фильмнинг намойиши ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Алиёр Орипов,**
**«Туркистон-пресс»**

## Иқтисодиёт

# ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Юртимизда кундан-кунга бунёдкорлик ишлари авж олган бугунги кунда замонавий қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бундай керакли ва сифатли маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётган кўплаб турлари эса бунёдкорларга қўл келмоқда.***

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар боис улар томонидан тайёрланаётган халқаро андозаларга мос маҳсулот турлари қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

«Sapsan» масъулияти чекланган жамияти ана шундай жамоалар сирасига кириб, корхона цехларида Туркия технологияси асосида қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур маҳсулотлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари ва фирмаларига шартномага кўра етказиб берилиши баробарида Афғонистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу, албатта, тадбиркорларнинг республикамиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот турларини талаб ва таклифлар асосида бозорни ўргана бориб кўпайтираётган жамоа аҳли асосан сифатни биринчи ўринга қўяди. Тайёрланаётган лок-бўёқлар, ПВА елимлари, қурилиш ва пардозлашда қўл келадиган турли хил аралашмалар, олифлар «Sapsan» савдо белгиси билан буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мақсад қилган ҳолда кўплаб лойиҳаларни амалга оширишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Лок-бўёқ маҳсулотларининг харидор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда турли ҳажмларда қадоқланаётгани, қадоқлаш идишларининг сифати ҳам истеъмолчиларни мамнун этмоқда. Айни пайтда 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада изланишлар давом этмоқда. Келгусида ана шу изланишлар натижасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги дастгоҳ ва ускуналар келтириб ўрнатиш, иш ўринларини ҳам кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, ҳамкор давлатлар сафини ортириш режалаштирилган.

**Шарофат БАХРОМОВА**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

## Қарор ва ижро

# БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Олий Мажлис қуйи палатаси, маҳаллий кенгашлар депутатлари, шаҳар ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб инсонпарварлик, бағрикенглик тамойили асосида қабул қилинган амнистия актининг ижро этилиши жараёнларида иштирок этмоқдалар.

Хусусан, шу муносабат билан шаҳримиздаги жазони ижро этиш колонияларидан бирида бўлиб ўтган тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова, Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари, Адлия катта маслаҳатчиси Шовдонбек Алаев Президентимиз тақдимномасига мувофиқ Парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинган мазкур қарор мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалий ифодаси эканлиги, миллатимизга хос бўлган бундай кечиримлиликдан ҳаётда билиб-билмай тўғри йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган фуқароларнинг жамиятда ўз муносиб ўринларини топишларига имкон яратилиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Дарҳақиқат, агар эътибор қаратадиган бўлсак аввало ушбу амнистияда биринчи навбатда аёллар, болалар ва кексаларга имкониятлар берилгани, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ёки тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларнинг жазодан озод этилиб оиласи бағрига қайтиши уларни тинчосуда ҳаётда яшаб, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлари билан бирга бўлиб, хатоларини тузатишлари йўлидаги катта омил десак хато қилмаган бўламиз.

— Юртбошимизнинг бағрикенглиги, давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати туфайли бугун мен яна оилам бағрига қайтдим, — дейди амнистияга асосан жазодан озод этилган Лобар Холдорова. — Тўғри йўлдан адашиб, яқинларим олдида юзим шувут бўлди. Озодликнинг қанчалик қадрли эканлигини кеч англадим. Менга билдирилган ишончни оқлашга, келгусида жамиятда ўз ўрнимни топишга ҳаракат қиламан.

— Билиб-билмасдан ҳаётда хато қилдим. Жазони ўташ жараёнида тинчлик, озодликнинг қадри қанчалик юқори эканлигини тушундим, — дейди маҳкумлардан бири Ўктам Қосимов. — Давлатимизнинг кечиримлилиги билан жазодан озод этилдим. Бу менга катта сабоқ бўлди. Фойдали меҳнат билан шуғулланиб, иккинчи марта бу йўлга кириб адашмайман.

Шунингдек, тадбирда жазо муддатини ўтаб келган шахсларнинг жамият ҳаётига кўникишига кўмаклашиш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини тиклаш, бундай чора-тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган ижтимоий кўникма марказлари, тиббиёт, ижтимоий таъминот муассасалари, маҳаллалар масъулиятини янада ошириш кераклиги ҳақида ҳам алоҳида таъкидланиб, бу борада зарур тавсиялар берилди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлди.***

# ЯНГИ ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРГА ЧОРЛОВЧИ ТАНЛОВ

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жараёнида миллий матбуотимизни ривожлантириш, ахборот соҳасини ислоҳ этиш, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари маъно-мазмун жиҳатидан бутунлай янгиланди.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори соҳани янада равнақ топтириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда медиа тузилмаларнинг фаоллигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Журналист кадрларнинг меҳнатини эъзозлаш ва ҳар жиҳатдан рағбатлантиришда, ижодини янада юқори талаблар асосида йўлга қўйишда журналистлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Атиргул», «Озод юрт тўлқинлари» сингари ижодий кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Uzreport» ахборот агентлиги ҳамкорлигида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинмоқда.

Ушбу ижодий танловдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, медиа соҳа вакилларининг ўз фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, уларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувни шакллантиришдан иборатдир.

Халқаро танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда қатнашиш истагидаги журналистлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Айни пайтда ижодий беллашувнинг номинациялари ҳам тобора кўпаймоқда. Жумладан, 2006 йилда ўтган «Олтин қалам» I Миллий мукофоти учун танловда ғолиблар 13 (3 та асосий ва 10 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича аниқланган бўлса, 2011 йилдаги VI танловда 27 (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) мукофот таъсис этилди.

Жорий йилги танловнинг мукофот жамғармаси 189 миллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади. Анъанага кўра, бу йил ҳам БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан «Олтин қалам» Миллий мукофоти доирасида турли номинациялар таъсис этилган. Жорий йилда танловга «Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун» янги рағбатлантирувчи номинация ҳам киритилди.

Ижодий танлов ғолиблари 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



**Диққат, танлов!**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

– журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
– фаол фуқаролик позицияси учун;
– ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
– ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
– Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;
– маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
– ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
– энг яхши журналистик текширув учун;
– мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
– энг яхши режиссёрлик иши учун;
– энг яхши матбуот хизмати;
– энг яхши фоторепортаж учун;
– энг яхши карикатура учун;
– чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар**

**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**

**www.Journalist.uz**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Юристлар малакасини ошириш марказининг 31.05.2010 йилдаги 16-ум-сонли буйруғига асосан, Юристлар малакасини ошириш марказига тегишли, Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 15-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-3307 ГБА СПГ» русумли, 1993 йилда и/ч, д/р 10ВС070 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 955 942 сўм.

2. «ПЕЖО КОРСАН» русумли, 1996 йилда и/ч, д/р 10ВВ586 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 005 627 сўм.

**Аукцион савдолари 2012 йил 2 февраль куни соат 10:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 31 январь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 2 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 9 ва13 февраль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 февралдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 7 февраль куни соат 18:00; 13 февралдаги савдолар учун 10 февраль куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй.

**«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 13.10.2011 йилдаги № 26641/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Себзор, Марказ-17/18-даҳа, 3-уй, 22-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 48 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 17 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2012 йилнинг 17 февраль куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 9 март куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ шуни маълум қиладики 2012 йил 20 январь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан қўйилган 1) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 38,57 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 72-хонадон, 2) Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1, 50-уйда жойлашган 60,5 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 3-хонадон, 3) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 28,97 кв.м. ҳажмдаги 1 та яшаш хонасидан иборат 54-хонадон, 4) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 28,87 кв.м. ҳажмдаги 1 та яшаш хонасидан иборат 46-хонадон, 5) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 62,90 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 61-хонадонлар Миробод тумани СИБнинг 10.01.2012 йилдаги 20002/21-1-сонли хатига асосан **савдодан олинганлигини** маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

Олмазор туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси аҳолиси диққатига!

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ободонлаштириш бошқармаси қошида қаровсиз қолган дайди ҳайвонларни тутиш бўлими ташкил этилди.

Мурожаат учун манзил: Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 54-уй, телефон: 246-88-72

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2006 йил июль ойида Хаитмухамедов Дилшод Эргашбаевич номига берилган В № 235070 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*





Аукцион савдоларига ХОАТБ «Алп Жамол банк» тугатиш комиссияси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Олмазор тумани судининг 2011 йил 25 мартдаги ҳукмига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, Марказ 26, 8-«А» уй манзилида жойлашган, «Zulfinigor fayz» МЧЖ балансидаги «ВЕРСАЛЬ» ресторани (битта биноси ва бошқа мол-мулклари) мулкий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси – 37 502 222 961 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-уй манзилида жойлашган, «Отель Саёҳат» ОАЖ (иккита бино ва бошқа мол-мулклари) мулкий мажмуа сифатида. **Бошланғич баҳоси – 41 631 851 137,67 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 17 февраль куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси – «KMSX» МЧЖ жойлашган манзили (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.**

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 февраль куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулклар учун тўловлар амалга ошириш шакли ва муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «KMSX» МЧЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Телефон: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001.

Мусобақалар

# ЧАҚҚОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

***Истиқлол барча соҳалар ривожига кенг йўл очиб берди. Хусусан, Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия, спортга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор туфайли ўғил-қизларимиз онгу шуурида она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, уларнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон номини улуғлашга бўлган иштиёқ ҳамда интилишлари тобора юксалиб бормоқда.***



Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатларида иқтидорли, истеъдодли спортчиларимизнинг зафар қучиб, мустақил мамлакатимиз шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом тарзда вояга етишида муҳим омил бўлган болалар спортини ривожлантириш, иқтидор ва интилишини рўёбга чиқариш, уларни қўллаб-қувватлашда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган 2011 йилнинг апрель ойидан то декабригача халқ таълими тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуалари ҳамда спорт клублари ўртасида футбол бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда 6 ёш тоифасидаги 17 та жамоа иштирок этди.

— Мусобақаларда жами 20 мингга яқин футболга меҳр қўйган болажонлар қатнашди. Улар учрашувларда ғалабага астойдил интилиб, чиройли ўйин кўрсатиб, чаққонликлари, ғайрат-шижоатларини намоён этишди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси Маҳбуба Қурбонова. — Биз спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақа, танловларни ўтказиш орқали ўғил-қизларимизни спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзига интилишини кучайтириб, улар орасидан қобилиятли, истеъдодли ва интилувчан ёшларни саралаб олишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, тўгаракларда барча шарт-шароитлар яратилган.

Куни кеча «Чилонзор» болалар спорт мажмуасида мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди. Унда ғолиб ва совриндорлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 12.01.2012 йилдаги 8(12.069)-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино 1-мавзеси, 17-уй, 109-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 71,24 кв.м. бўлган уй-жой аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Асос: Юнусобод туман СИБнинг 18.01.2012 йилдаги К-8/17-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80-26. Лицензия: RR-0001

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 28.04.2011 йилдаги 10-1115/1503-сонли ижро варақасига асосан, Чилонзор тумани 6-мавзе, 68-А-уй манзилида сақланаётган «Каптива» русумли д/р 01-770НВА бўлган 2010 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 54 029 000 сўм.

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 24.02.2011 йилдаги 10-1021/20457-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга қарашли жарима майдонида сақланаётган «Мерседес Бенц К200» русумли д/р 10AV212 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 32 200 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 28 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 февраль куни соат 18:00.

**Шунингдек 2012 йил 14 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига,** Суд департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 25.03.2011 йилдаги 10-1117(07)/1206-сонли ижро варақасига асосан, қарздор «MURUVVAT TEKS» га тегишли Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Истироҳат кўчаси, 258-уй манзилида сақланаётган, «Газ 27-05» русумли д/р М5782 бўлган 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 878 980,06 сўм.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг **ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиали**даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел.: 228-79-52.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 10.06.2011 йилдаги 224-сонли буйруғига асосан, университет тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «ГАЗ-31029» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 10 AI 735 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 835 487 сўм.

2. «ИЖ-2715» русумли, 1991 йил и/ч, д/р 10 AR 384 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 024 928 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 23 февраль куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 21 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 23 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 1 ва 5 март кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 28 февраль куни соат 18:00; 5 мартдаги савдолар учун 2 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Суд департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан,** Тошкент шаҳар судининг 06.03.2010 йилги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Уйсозлар кўчаси 72 «а» -уйда сақланаётган «Хундай Саната» русумли д/р М 44-28 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 7 978 570,25 сўм.

**Аукцион савдосига такроран Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

I. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.02.2011 йилдаги 2-28/11-сонли ижро варақасига асосан, ИП «Нобел Фармсаноат» КК майдончасида сақланаётган: 1. «Даймлербенц» русумли д/р 15U0077 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм. 2. «Волво» русумли д/р 17V6746 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000 сўм.

3. «МАН» русумли д/р 16M6959 бўлган 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –75 000 000 сўм. 4. «Мерседес-Бенц 1935S» русумли д/р 14FC777 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 000 000 сўм. 5. «SK-24» русумли д/р 14A777 бўлган 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 44 000 000 сўм. 6. «Мерседес-Бенц ACTRO718401» русумли д/р 16R5606 бўлган 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм. 7. «SCHIMITZSK024» русумли д/р 16C616 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм. 8. «Мерседес-Бенц-1935» русумли д/р 15AF506 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 000 000 сўм. 9. «SK-24» русумли д/р 19A351 бўлган 1995 йилда и/ч ярим-тиркама. Бошланғич баҳоси – 44 000 000 сўм.

II. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 09.08.2010 йилдаги 2-123/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, ИИБ ЙХХБ майдончасида сақланаётган, «ГАЗ-3110-101» русумли д/р 10U350AA бўлган 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 287 113 сўм.

**Аукцион савдолари 2012 йил 14 февраль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

## Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**1. 2012 йил 23 февраль** **соат 10 00да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|
| 1. | 4И | “Чорсу савдо маркази АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ” | Микроавтобус |
| 2. | 9И | “Қўйлиқ М1 АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ” | Автобус |
| 3. | 18М | “Қўйлиқ М4 АШБ – Авиасозлар АШБ” | Микроавтобус |
| 4. | 46М | “Карвон бозори (“Изза” мавзеси ) бекати – Чилонзор савдо маркази бекати” | Микроавтобус |
| 5. | 71М | “Чилонзор 25-даҳа АШБ – Олой бозори бекати ” | Микроавтобус |
| 6. | 72М | “Авиасозлар АШБ – Товар станцияси бекати” | Микроавтобус |
| 7. | 77М | “М.Уйғур кўчаси АШБ – Ўнқўрғон қўрғони” | Микроавтобус |
| 8. | 115М | “МЖБК бекати – Товар станцияси бекати” | Микроавтобус |
| 9. | 119М | “Қўйлиқ М4 АШБ – “Мажнунтол” маҳалласи” | Микроавтобус |
| 10. | 123М | “Малика фабрикаси бекати – “Нуронийлар оромгоҳи” бекати | Микроавтобус |
| 11. | 183М | “Бинокор қўрғони (Сурум маҳалласи) бекати – Қўйлиқ М1 АШБ” | Микроавтобус |
| 12. | 195М | “Оқ ота қишлоғи бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ” | Микроавтобус |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналиш | | | |
| 13. | 50А | “Қўйлиқ М1 АШБ – Юнусобод 9-даҳаси АШБ” | Автобус |
| 14. | 65М | “Авиасозлар АШБ – Сергели супер улгуржи бозори бекати” | Микроавтобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 ҳ/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17 00да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

● Донишманд унга шундай маслаҳат берди:

— Ҳақиқий дўст топсанг, у билан шундай муомалада бўл: дўстликда содиқ бўл, хиёнат қилма, кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини қўлинг ва тилинг билан кўрсат, дўстинг сирини ошкор қилишдан сақлан. Унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса дарҳол унга ёрдам бер. Дўстга ёлғон сўзлама.

Яна у киши донишманддан:

— Тасодифий дўстлар билан қандай муомала қилай? — деб сўради.

Донишманд шундай маслаҳат берди:

— Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганча яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор қилма.

Уларни юзаки муомала билан хурсанд қилиб, кўнгилларини ўз тарафингга мойил қил, мол-ашёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут.

**Байт:**

**Сирингни сақлагил, ҳар кимга зинҳор**
**қилмагил равшан,**
**Кўзинг ёғин едирсанг дўст, аммо**
**бермасанг — душман.**
**Ҳамроҳи қобил билан юр, бир қарич**
**йўл бўлса ҳам,**
**Юрмагил ножинс биланким, йўлда**
**йўлдош ўзгадир.**

● Ҳақиқий дўстлик ҳасадни билмайди.

● Дўстликнинг биринчи шарти — ишонч.

● Уруш — ботирни, жоҳил — донони, йўқчилик — дўстликни синайди.

● Дўстлик ҳар қандай азоб-уқубатни ҳам писанд қилмайди.

● Ақлли одам ҳамма нарсадан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди.

**Байт:**

**Дўст дема, гар нозу неъмат устида,**
**Урса лоф: «Дўстмисан, азиз меҳрибон».**
**Дўст удир — дўстига чўзади қўлин —**
**Дўсти бўлганида ночор, нотавон.**

● Инсон қўлга киритган ўлжалардан энг хайрлиси — самимий дўстликдир.

● Бир ҳинд донишманди айтади:

— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига дўст, душманига душман бўлсин, душманингни дўст тутган киши сени дўст тутмайди.

● Сенга яхшиликни раво кўриб ширин хаёлларингдан уйғотишга мажбур этган ва ҳатто бунда бироз қаттиққўл ва қўполлик қилган дўстингдан хафа бўлма.

● Бир мўътабар одамдан:

— Айтингчи, сизнинг қанча дўстингиз бор, — деб сўрадилар. У айтди:

— Ҳозир бахт-иқболим камолга эришган, молу давлатимнинг ошган замонидир. Дўстларим ҳам жуда кўп, қанча дўстим борлигини ҳозирча айтолмайман. Ким билади, мабодо бахт-иқбол мендан юз ўгириб, муҳтожликда қолсам, у чоғда қанча дўстим борлигини айтиб бераман, ўша вақтда қолган самимий дўстларимни сизларга номма-ном айтиб беришим мумкин бўлади.

**Байт:**

**Ҳамма ёринг эрурлар неъматингда,**
**Ҳамма ходим эрурлар давлатингга.**
**Агар давлат кетар, сендан қочарлар,**
**Зиёнлар эшигин сенга очарлар.**

● Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайру саёҳат қилишлари.

● Икки дўстнинг аҳду паймонда, меҳру вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

● Алишер Навоий айтади:

**Айласалар икки тарафдан вафо,**
**Етгай алар ҳолига анча сафо.**

● Дўст кишини бир йилда топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

**Байт:**

**Икки кишидан сен яширма дардинг,**
**Бири табиб эрур, бири ҳамдардинг.**

**(Давоми бор)**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **24 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечқурун ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ ва кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru

Буюртма Г- 141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11417 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ